

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультети

5440100-Ветеринария таълим йўналиши

БОБОҚАНДОВ ЭЛМУРОД ҚОДИРОВИЧНИНГ

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг пиретроидлар билан  
заҳарланишларини олдини олиш ва даволаш

Илмий раҳбар, доцент:

Салимов Ю.

Ветеринария, зоотехния ва  
қоракўлчилик факультети декани,  
доцент \_\_\_\_\_ Ниёзов Ҳ.Б  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2015 йил

“Хайвонлар анатомияси,  
физиологияси, жаррохлик  
ва фармакология” кафедраси  
муdiri, доцент \_\_\_\_\_ Б.Д.Нарзиев  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2015 йил  
№ \_\_\_\_\_ - сонли йиғилиш баёни

САМАРҚАНД-2015

## Мундарижа

БЕТ

<b>1.Кириш.....</b>	<b>3</b>
1.1 Мавзунинг долзарблиги.....	12
<b>2. Адабиётлар тахлили .....</b>	<b>15</b>
2.1. Қишлоқ хўжалигида пестицидларни қўллашнинг аҳамияти.....	15
2.2. Сунъий пиретроидларга умумий таъриф ва уларни ҳайвонлар организмига ўзига хос таъсир хусусиятлари.....	17
<b>3. Хусусий текширишлар.....</b>	<b>21</b>
3.1. «Нео-стомозан» препаратининг ўткир захарловчи асосий микдор кўрсаткичлари.....	21
3.2. Тадқиқот материаллари ва услублари.....	21
3.3. Тадқиқот натижалари ва уларнинг тахлили .....	21
3.4. Перетроидлардан ҳайвонлар захарланишларига диагноз қўйиш, даволаш ва олдини олиш чоралари.....	25
<b>4.Ветеринария ишини ташкил этиш ва иқтисодиёти.....</b>	<b>29</b>
<b>5.Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....</b>	<b>34</b>
5.1.Меҳнатни муҳофаза қилиш.....	35
5.2. Фуқаролар мудофааси.....	36
<b>6. Хулоса ва амалий тавсиялар.....</b>	<b>38</b>
<b>7. Адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>40</b>
<b>8. Илова (Интернет маълумотлари).....</b>	<b>43</b>

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузасида таъкидланганидек, 2014 йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди.

2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4миллиард 200 миллион доллаога тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу соҳада биз қўлга киритган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб

юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самарасидир. Дехқон ва фермерларимизнинг мардонавор меҳнати, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобидан 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этишга доир чора тадбирлар дастурининг амалга ошириши натижасида чорвачиликни ривожлантиришда ижобий силжишлар қайд этилди. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида барча тоифадаги хўжаликларида қорамоллар бош сони 10 млн 994,6 минг бошни шундан сигирлар 4 млн 84,8 минг бошни; қўй ва эчкилар 18 млн 447,4 минг бошни, паррандалар 56 млн 195 минг бошни ташкил этди. 2014 йилда 1 млн 906,5 минг тонна тирик вазинда гўшт, 8 млн 432,8 минг тонна сўт, 4 млрд 949,9 млн дона тухум, 46,5 минг тонна балиқ 8,7 минг тонна асал ишлаб чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил учун тасдиқланган дастурлар ижроси юзасидан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги чорва молларига 2613 та зооветеринария пунктлари тамонидан зооветеринария сервис хизматлари кўрсатилди. Республикада фаолият юритаётган 410 та қорамолчилик наслчилик хўжаликларида 7,8 минг бош насли моллар тайрланиб оукционларда сотиш ташкил этилди.

Таълим соҳасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш амалга оширилди.

2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди.

2015 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 108 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу борада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, ишлаб чиқаришни диверсификация қилмасдан туриб, ташқи бозорларга чиқиш ва маҳсулотларимизни сотиш борасидаги экспорт дастурини амалга ошириш, валюта даромадлари тушумини таъминлаш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ва иш ўринларини ташкил этиш, пировард натижада ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларимизга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Бунинг учун:

Биринчи навбатда, жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарур.

Иккинчидан. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир.

Учинчидан. Иқтисодиётимизда давлатнинг иштироқи қай даражада эканини танқидий баҳолаш, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш зарурлигини алоҳида таъкидлашни ўринли деб биламан.

Тўртинчидан. Корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш жиддий эътиборни талаб қилади.

Бешинчидан. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришнинг энг муҳим манбаи ва омилидир.

Олтинчидан. Ривожланган инфратузилмани ташкил этмасдан, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизими, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини таракқий эттирмасдан туриб, иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан ўзгартиришга эришиш мумкин эмас.

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини муттасил ошириш билан боғлиқ масалалар доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

2015 йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном берганимиз замирида ҳам моҳият эътибори билан ана шундай эзгу мақсадлар мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши маълум. Бугунги тинч ва обод ҳаётимизни барпо этишга беқиёс хизматлари сингган, хонадонларимизнинг файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг фаровон ва муносиб умр кечиришлари учун кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки инсоний бурчимиздир.

“Ўзбекистонда озиқ- овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги ҳалқаро конференциянинг оширилиш марасимидаги Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг нутқида таъкидланганидек, озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган ҳалқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётгани жиддий ташвиш ва ҳавотир уйғатаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда.

Бу борада овқат билан бирга ўрнини ҳеч нарса босалмайдиган аминокислотар, витаминлар, минерал моддалар, микроэлементлар ва организмда ўз-ўзидан ҳосил бўлмайдиган бошқа моддаларнинг ҳам истеъмол қилиниши инсон ҳаёти учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу фойдали

моддалар, витамин ва микроэлементлар катта миқдорда ва етарли даражада фақатгина сабзавотлар, мева ва узум таркибида, чорвачилик маҳсулотларидан гўшт, сут, тухумда бўлади ва уларнинг ўрнини бошқа ҳеч қандай маҳсулот боса олмайди.

Ўзбекистонда шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик деҳқончилик принципларига асосланган ( маҳаллий ўғит билан чорвачилик таъминлайди). Бу генларни модификация қилиш технологияларини қўллагандан, жуда мазали таъмга ва истемол хусусиятларига эга бўлган экологик тоза мева ва сабзавотлар етиштириш имконини беради. Биз минерал ўғитлар, пестицидлао ва шу каби воситаларнинг ўрнига доимо кўплаб келаётган ва биз учун устувор бўлган органик ўғитлардан фойдаланишни афзал деб биламиз. Биз дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқдамиз. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи далаат қаторига киради.

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида чорвачилик тармоғида хусусий мулк устунлиги таъминланди. Асосий чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар сифатида деҳқон хўжаликлари асосий ўринни эгаллайди. Натижада кейинги йилларда чорвачилик маҳсулотлари истеъмол миқдори барқарор ўсиб борди. Жумладан, аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 1990 йилда 31 кг ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 38 кг ни; сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилиш 183 кг дан 239 кг ни; тухум истеъмол қилиш 97 донадан 138 донани ташкил этди.

Чорвалик ва ветеринария соҳаларидаги ислохотларни шу соҳаларда фаолият кўрсатаётган мутахассислар амалга оширади. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари томонидан таълим тизимини янада ривожлантириш,

республикамиз илмий салоҳиётини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, илм- фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш масаласига катта эътибор берилмоқда

Бугунги кунда ёшлар учун барча имкониятлар яратиб берилган. Фанни чуқур эгаллаб катта ютққларга эришиман дэган талабаю тадқиқотчи учун барча эшиклар очик. Тиришқоқлик билан, сабр-бардош билан изланса, ақлини ишлатса, илму–фаннинг очилмаган кўриқлари жуда кўп, уларни кашф улкан янгиликлар муаллифига айланиш мумкин. Хорижнинг энг машҳур академия ва унерверситетларида тажриба орттириш, ўқиш – ўрганиш имкониятлари ҳам мавжуд. Буларнинг бари истиқлол туфайли амалга ошмоқда.

Чорва молларини ўз вақтида тўғри ва сифатли озиқлантириш, уларни ветеринария кўригидан (диспансеризация) ўтказиш, касалланган молни ўз вақтида ажратиш ва даволаш, молхоналарда мунтазам равишда дезинфекция, дератизация ва дезинсекция чораларини ўтказиб туриш, молларни зоогигиеник талаблар асосида парваришлаш, уларда кунлик моцион (сайрқилиш) бўлимига эришиши кабилар ветеринария мутахассисларининг асосий вазифалари ҳисобланади. Юқоридаги вазифаларни бажариш учун ветеринария мутахассисида чуқур билим, малака ва амалий тажриба бўлими зарур. Бу фазилатлар таълим муассасалирида берилади ва шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-йил 23-мартдаги ПҚ-308-сон “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорига четдан қорамоллар зооветеринария, асбоб ускуналари олиб келиш учун тегишли имтиёзлар беришга ҳамда чорвачилик соҳасидаги мавжуд муамммолар ҳал қилиб берилганига қарамасдан бугунги кунда ташкил қилинган зооветеринария пунктларининг ва чорва молларини суний қочириш пунктларининг 62 фоизи тўлиқ жиҳозланмаган, улар учун зарур асбоб ускуналар олиб келиш учун Иштихон, Тойлоқ туманларида қоникарсиз ташкил етилган чорва молларини сунъий қочириш бўйича тузилган

шартномалар вилоятда 20% бажарилган холос. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш уни жорий йилда микро кредитлар бериш ишлари Булунғур, Самарқанд, Ургут туманларида яхшилашган. Вилоят туманларида чорва моллари учун озиқа екинлари етиштириш дағал хашак жамғариш ишларида аниқ режалаштирилмасдан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига дон корхоналари томонидан ташкил етилган шахобчалар орқали омихта ем сотиш ишлари Иштихон, Нарпай туманларида қониқарсиз аҳволда.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида:

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустақкамлаш биринчи навбатда қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш.

Республика халқ хўжалигининг барча соҳаларида шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган чорвачиликда ўтказилаётган ислоҳатлар ўзини ижобий натижҳаларини кўрсатмоқда. Бунга мисол қилиб чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилаётганлигини келтириш мумкин. Бинобарин янги ташкил етилган фермер хўжаликлари илмий ва оммавий тавсиялар билан таъминлаш, уларни рентабиллик хўжаликларига айлантириш соҳани истиқболлини белгилайди. Чунки кейинги беш йилда чиқарилган фармонва қарорлар айнан шу мақсадларга қаратилган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 21-апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни янада кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-842- қарори чорвачиликни бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантириш борасида катта имконият яратди.

Соҳага оид еълон қилинган барча фармон ва қарорлар республикамизда хўжалик тоифасидан қатий назар чорвачилик билан шуғулланувчиларнинг даромадини ошириш ва ички бозорни етарли миқдорда сифатли махсулотлар билан тўлдиришни таъминлашга қаратилган. Шунингдек чорвадор учун қулай шарт шароитлар яратиб, уларга қўйидаги имконият ва имтиёзларни берди.

-қонунчиликда шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларда қорамол парваришлаш билан шуғулланадиган шахслар иш билан банд аҳоли тоифасига кириши, уларга меҳнат дафтарчаси беришни ва иш стажи ҳисобга олиши, нафақа ёшига етганда нафақа олиши ҳуқуқига эга бўлиш;

-чорвачиликка ихтисослашган фермер ва бошқа хўжаликлар ҳамда паррандачилик корхоналарига ажратилган суғориладиган ерлар фақат ем ҳашак екинлари учун пахта екишда фойдаланмаслик;

-омихта ем, шрот, шулуха, кепак ва бошқа озуқа турлари харид қилиш мумкин бўлган озиқа сотиш бўйича ягона ихтисослашган шахобчаларни ташкил етиш;

-зооветеринария ҳизматлари кўрсатиш тузилишини танада яхшилаш, ветеринария лабораториялари ва ветеринария пунктлари замонавий ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш.

Жорий йилнинг мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланганлиги ҳалқимизиродаси, юртдошларимиз қалбидаги туйғуларнинг тўлиқ ифодаси бўлди. Юртдошимиз Конституциянинг йигирма икки йилигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузасида таъкидланганидек, “Бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унитилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим”.

Айни пайтда Ўзбекистонда 60 ёшган ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан зиёд эканлиги, айни кунда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшаётганлиги юртимизда умрбоқийлик даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Турмушимиз фаровонлашиб борса, умрбоқийлик даражаси ҳам шунча ошади.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури 2015 йил 18 февралда қабул қилинди, у олтита бўлим, 66 та бандни ўз ичига олади. Дастур кекса авлодга эътибор ва ғамхўрликнинг чинакам намунаси бўлган том маънодаги тарихий ҳужжатдир. Унда ҳалқимизга хос азалий қадрият – кексаларга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг барча жиҳатлари, қарияларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча ҳолатлар ўз ифодасини топган, бирорта масала эътибордан четда қолмаган.

Давлат дастурида кексаларга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириши; уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш; пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб – қувватлаш, давлат хизматлари кўрсатишнинг энг қўлай тизимини шакллантириш; учун ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб – қувватлаш; тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш; мамлакатимизнинг мудаффаа қудратини мустаҳкамлаш; ижтимоий – иқтисодий ва интеллектуал салоҳиётини кучайтириш; тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, баркамол авлодни тарбиялашда фаол иштирок этиб келаётган кекса авлод вакилларига алоғида эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш кўзда тутилган. Ҳар бир кексага эътиборни қаратиш, уларнинг турмуши ва дам олишини ташкил этиш сифатини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, маҳаллаларда кексалар ва ногиронларга доимий эътиборни кучайтиришга қаратилган махсус комиссиялар тузиш тадбирлари белгиланган.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган чора – тадбирларнинг амалга ошириши озод ва обод Ватан, эркин ва форовон ҳаёт барпо этиш йўлида қўйилган муҳим қадам сифатида тарихга кириши шубҳасиз.

### **1.1 Мавзунинг долзарблиги**

Кейинги йилларда Ўзбекистонда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Республика Президенти И.А. Каримовнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-308 ва 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқишни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-842-қарорлари чорвачилик соҳасини ҳам ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Республикамиз, шунингдек, бошқа жаҳон ҳамжамияти давлатлари олдида турган асосий вазифалардан бири аҳолини экологик жиҳатдан тоза ва сифатли чорвачилик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Республикада чорвачилик соҳасини ривожлантириш асосан уч йўналишда амалга оширилмоқда Биринчиси – шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш мақсадида қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш турли ташкилотлар қошида қорамолчилик, паррандачилик ва асаларичилик ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш:

Иккинчиси – чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш мақсадида четдан насли моллар келтириш зооветеринария пунктлари сонини кўпайтириш орқали сервис хизматларини янада ошириш.

Учинчиси – озуқа базасини яхшилаш учун мавжуд озуқа экинлари майдонларидан унумли фойдаланиш. Аҳоли ва фермер хўжаликларига

омухта ем ва бошқа махсулотларини махсус шахобчалар орқали етказиб бериш.

Ҳозирги кеча – кундузда Республикамизда қорамоллар сони 8,5 млн бош бўлиб, охириги 5 йилда 2,6 млн бошга ёки 45 % га кўпайди. Шундан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида 2,2 млн бошга ёки 38 % га фермер хўжаликларида эса 200 000 бошга ёки 82 фоизга ортди.

Кўй ва эчкилар сони 14,4 млн бош бўлиб, шу йиллар давомида 4,5 млн бошга ёки 45 % га, шундан аҳоли ва деҳқон хўжаликларида 3,6 млн бошга ёки 45 % га фермер хўжаликларида 678 млн бошга ёки 35 % га кўпайди.

Паррандалар бош сони 33 млн бошши ташкил этиб, 14,2 млн бошга ёки 1,7 марта, шундан аҳоли ва деҳқон хўжаликларида 2,7 млн ёки 4,3 марта ортди. Ўтган йиллар мобайнида зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791 та махсус пункт ташкил этилиб ҳозирда уларни сони 2443 тага етказилди, бу даврда пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 6 баробарга ошди. Сигир ва тоналарни уруғлантириш 10 баробарга кўпайди.

Республикамиз чорвачилигини ветеринария мақсадлари учун ишлатиладиган дори дармонлар билан таъминлаш ишларини 610 та ферма ва хусусий ветеринария аптекалари бажармоқда. Улар томонидан 740 дан ортиқ жами 3,5 млрд сумлик ветеринария дори дармонлари сотилган.

Пестицидларни қишлоқ хўжалик ва чорвачилик соҳаларида қўлланиши иқтисодий самарадорликка эришишга замин яратилаётганлиги туфайли уларни ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. (М.М. Мальцева, Н.Н. Котова, 1993; Н.Н. Мельников, 1994; П.А. Заика, 2000, З.А. Юлдашев, В.А. Попков, 2006 ва бошқалар).

Сўнгги йилларда Республикамиз ўсимликшунослик ва ветеринария амалиётида қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда чорва молларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш мақсадида замонавий сунъий пиретроидлар – циперметрин, децис, суми-альфа, каратэ, циракс, нео-стомозан ва бошқа шу каби кимёвий препаратлар кўплаб қўлланилиб келинмоқда. Уларни бундай кенг қўламда қўлланилишининг асосий сабабларидан бири, қўллашдаги

сарфланиш меъёрининг пастлиги ва инсектоакарицид таъсир фаолиятининг юқори эканлиги, танлаб таъсир кўрсатиши ҳамда иссиқ қонли ҳайвонлар ва паррандалар организми учун нисбатан кам захарли ва хавфсиз эканлигидадир.

Бироқ юқорида санаб ўтилган хусусиятларига қарамасдан, пиретроидли препаратлар атроф-муҳитга ҳамда тирик организмларга етарлича хавф туғдири мумкин. Айниқса, улар атмосферага, сувга ёки тупроққа тушганда, ушбу жойларда тўпланиши (кумуляция) натижасида захарли-токсик таъсирлари намоён бўлади. Пиретроидлар иссиқ қонли ҳайвонлар организмига тушиши билан ўткир, сурункали ҳамда яширин шаклдаги захарланишларни келиб чиқишига саба бўлиши ва оқибатда ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ва репродуктива фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу туфайли замонавий пестицидлар гуруҳига мансуб бўлган сунъий пиретроидларга токсикологик жиҳатдан ҳар томонлама баҳо беришимиз амалий аҳамиятга эгадир .

## 2. АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ.

### 2.1. Қишлоқ хўжалигида пестицидларни қўллашнинг аҳамияти.

Турли хил кимёвий препаратларни (пестицидларни) кенг миқёсда қўллашнинг асосий сабабларидан бири, зараркунандаларга қарши курашда самарали таъсир кўрсатувчи бошқа нокимёвий манбалар мавжуд эмаслигидадир. Агарда ушбу воситалар бўлмаса ва қўлланилмаса агросаноат ишлаб чиқаришига шу жумладан чорвачиликка, зараркунандалар катта биологик ва иқтисодий зиён етказди, натижада кўплаб маҳсулотлар нобуд бўлади (Грин М.Б., Хартли Г.С., Вест Т.Ф., Мельников Н.Н., Сафиуллин Р.Т., Касьян Е.Н. 1979).

Россияда 1986 – 1990 ва 1991 – 1995 йиллар мобайнида фақат озуқабоп экинлардан кўрилган зарар, ўртача 6,7 ва 11,8 млн. тоннани ташкил этган. Таркибида турли хил пестицидлар бўлган кимёвий воситаларни кенг қўллаш натижасида дон ҳолатида қайта ҳисобланганда 514 млн. тонна миқдоридаги озуқа маҳсулотлари тежаб қолинган, унинг самарадорлик даражаси 73,4%ни ташкил этган (Захаренко В.А. 1999).

Ўтган асрда, Ўзбекистон Республикасида ўсимликларнинг турли хил зараркунандаларидан ва касалликларидан 360 минг тонна пахта, 170 минг тоннадан ортиқ мева, 160 тонна узум, 59 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари нобуд бўлган (Берим. Н.Г. 1999).

Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида касаллик чақирувчи зараркунандалар нафақат ҳайвонларни нобуд бўлишига, балки улардан олинадиган гўшт ва сут маҳсулотларининг камайишига ҳамда тери, жун ва бошқа маҳсулотлар сифатининг пасайишига сабаб бўлади (Забродин В.А., Казановский Е.С., Рузимурадов А.Р., Еумашев Р., Азизов Н, Узаков У.Я., Парманова С.Х., Каримов А.А. и др. 1999).

Р.Т Сафиуллин ва бошқаларнинг кузатишларига кўра, гиподермотоздан зарарланган ёш қорамоллар вазнининг ўсиши 9,8 кг - га,

сигирларнинг сут маҳсулдорлиги эса 200 кг - га камайган. Мазкур зараркунандаларнинг тез тарқалиши туфайли терининг сифати 50% га пасайган. Шунингдек, ушбу муаллифларнинг таъкидлашича, эстрог таъсирида, қўйларнинг тирик вазни 2%дан 8%гача, жун маҳсулдорлиги 16%гача, сут маҳсулдорлиги эса 10% камайган.

В.А. Забродиннинг ва бошқаларнинг кўрсатишича, зараркунандаларга қарши самарали кураш усуллари мавжудлигига қарамасдан, ҳар йили буғулар буқа личинкалари билан қарийб 100%гача зарарланиб, ундан хўжаликлар кўрадиган иқтисодий зарар умумий даромаднинг 25%ини ташкил этар экан.

Турли хилдаги пестицидларни қўллаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширади ҳамда ҳайвонлар учун хавфли бўлган юқумли ва паразитар касалликларни келтириб чиқарувчи зараркунандалардан ҳимояланишни таъминлайди. АҚШда шундай ҳимоя тадбирларини ўтказишга ҳар йили бюджетдан 4 млрд. доллар сарфланади, булардан олинадиган даромад эса 18 млрд. долларни ташкил қилади (Кулаков Е.П.).

Кейинги даврларда жаҳон қишлоқ хўжалиги амалиётида зараркунандалар, турли касалликлар ва бегона ўтларнинг таъсири туфайли, ҳар йили 75 млрд. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотларни йўқотилиши юз бермоқда. Эълон қилинаётган кўп сонли адабиёт маълумотларининг таҳлили шундан далолат берадики, қишлоқ хўжалигида, шу жумладан чорвачилик тармоғида ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу туфайли пестицидларни қўллаш йўли билан ўсимликлар ва ҳайвонларни зараркунандалардан ҳамда касалликлардан ҳимоялаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Аммо бу воситаларнинг барчаси биологик фаол воситалар бўлиб, уларни инсонлар, ҳайвонлар ва атроф-муҳит учун мутлақо хавфсиз деб ҳам бўлмайди. Пестицидларнинг атроф-муҳит учун ҳақиқатдан хавф туғдириши шундаки,

уларнинг кўпчилиги сунъий кимёвий моддалардан иборат бўлиб, табиатда учрамайди.

Табиатда учрамайдиган бундай бегона воситаларнинг (ксенобиотиклар) керагидан ортиқ қўлланилиши, уларнинг қолдиқларини ҳамда ўзгарган шаклининг (бошқа моддага айлангани) ташқи муҳитда тўпланиб қолишига олиб келади. Кейинчалик эса уларнинг озиқ - овқат тизими орқали бошқа жойларга кўчиши натижасида, табиатда салбий оқибатлар юзага келади ҳамда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига зарарли таъсир кўрсатади.

Карбонат ва фосфорорганик препаратлари инсон ва ҳайвонлар учун юқори даражадаги захарловчи восита сифатида қайд этилган. Улар мутаген, концероген, тератоген, гонадо–эмбриотоксик, иммунодепрессив таъсир кўрсатиш хусусиятларига эга бўлган пестицидлардир (Аббасов Т.Г., Жаворонков Н.И., Каган Ю.С., Куринный А.И, Николаев К.А., Каценович А.А., Атабаев Ш.Т., Оксенгендлер1980).

Шу туфайли, замонавий кимёвий пестицидларни қўллашдан юзага келадиган хавф – хатарни камайтириш, уларни инсонлар, ҳайвонлар ва умуман тирик мавжудотни ўткир захарлайдиган восита сифатида даражасини пасайтириш, мутасадди ташкилотлар ва соҳа мутахассисларини биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат комплекси ва ветеринария амалиётида кенг миқёсда қўллаш учун, уларни токсикологик хусусиятларини: чорва моллари ва паррандаларни захарланиш, ветеринария назоратида бўлган маҳсулотларини (озуқа, гўшт, сут, тухум) зарарланиш ва у рўй берган тақдирда уларни даволашда самарадорлиги юқори бўлган фармакологик воситалардан фойдаланиш каби масалаларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, чуқур ўрганиш ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

## **2.2. Сунъий пиретроидларга умумий таъриф ва уларни ҳайвонлар организмига ўзига хос таъсир хусусиятлари.**

Замонавий пиретроидларнинг афзаллик жиҳатларидан бири, уларнинг юқори даражада фаол инсектоакарицид таъсир кўрсатиш

хусусиятларининг мавжудлигидир. Уларнинг бундай таъсирлари фосфорорганик бирикмалари таъсирига караганда бир неча баробар юқори эканлиги исботланган. Пиретроидларнинг табиатдаги ўзига ўхшаш вакилларида фарқи шундаки, улар ҳашаротлар организмида аста-секинлик билан фаоллашади, ўсимликларга эса зарар етказмайди. Пиретроидларнинг липофилли бирикмалари ўсимлик баргида ёпишган холда бўлади, шунинг учун ҳам ёмғир суви ҳам осонликча ювиб кетолмайди. Ташқи муҳитда бир жойдан иккинчи жойга кўчиш жараёни секин кечади, аммо узок вақт мобайнида улар таъсир кучини йўқотмайди.

СП гуруҳига кирувчи инсектоакарицид таъсир хусусиятига эга бўлган кўпчилик препаратлар, ҳашаротларга қарши тизимли таъсир кўрсатмайди, аммо бу ҳолат асосан контакт усулида ва қисман ичакларда захарли таъсир кўрсатувчи токсикантларга хос бўлиб, амалда пиретроидларнинг атроф-муҳитда етарлича барқарор бўлиши ва уларнинг тезда табиий холда парчаланиб кетиши билан боғлиқдир. Пиретроидларнинг қолган қисмининг биологик фаоллиги ёруғлик таъсирида пасаяди (Бандман. А.Л., Вековшинина С.В., Соловьева Т.В., Джабаров Л.Н., Мурина Т.Я.).

Сунъий пиретроидларнинг сарфланиш миқдорининг жуда камлиги (бир гектарга ўнлаб ёки юзлаб грамм) қўлланилган манбаада нисбатан кам миқдорда сақланиб қолиши ва ташқи муҳитда биотрансформациясининг тезда юзага келиши, ушбу пестицидларнинг экологик жиҳатдан кўрсаткичларини ижобий эканлигини кўрсатади. Бу эса улардан қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда турли хил хавфли касалликларни кўзгатувчи ва ташувчи зараркунанда - бўғимоёқли паразитлардан ҳимояланадиган восита сифатида фойдаланиш самарали эканлигини ифодалайди.

У.Я.Узоқов ва бошқаларнинг таъкидлашича, децис, цимбуш, перметрин ва каратэлларнинг безгак чивини, майда чивин (искабтопар), чивин ва тахтаканадан ҳимоя қилиш таъсири юқори экан.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг (Заика П.А., Кокшарева Н.В., Вековшинина С.В., Шушурина Н.А., Кривенчук В.Е. 2000) таъкидлашларича,

иссиқ қонли ҳайвонлар учун бошқа гуруҳларга мансуб бўлган инсектицидларга қараганда, сунъий пиретроидлар кам захарли ва хавфсизлироқ ҳисобланади. Эҳтимол бу (эфир бирикмасида барқарор эмаслиги туфайли) уларнинг тезда тарқалиши ва парчаланиб кетиши оқибатида юзага келиб, сўнгра организмдан тезда ажралиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Пиретроидларни гидролизловчи эстеразлар эса хашаротларга қараганда, иссиқ қонли ҳайвонлар жигарида янада фаоллашади.

Айни пайтда пестицидларнинг СП гуруҳида юқори (децис, данитол, суми-альфа), ҳамда кам захарли (перметрин, тетраметрин, нео-стамозан) препаратлари мавжуд. Дельтаметрин, циперметрин ва анитол терига сингиб кетиш хусусиятига эга. Дициснинг оқ сичқонлар ва каламушлар учун ўртача ўлдирувчи  $ЎД_{50}$  миқдори мувофиқ равишда 135 ва 700 мг/кг ни ташкил тузилишига (таркибида СИ гуруҳи молекулалари мавжудлари янада захарлироқдир), ҳаракатчан ва оптик изомерларига (цис-изомерлар захарли) қараб белгиланади. Аммо уларнинг организмда тўпланиб таъсир этиш кўрсаткичи жуда паст бўлиб, кумуляция даражаси одатда 2,5-3 таъсир бирлигини ташкил этади (Хаитов В.Р., Хаитов Р.Х., Баймурадов Т.Б., Салимов Ю. 2004).

Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича, иссиқ қонли ҳайвонлар организмидаги захарланишлар пиретроидли пестицидларнинг улар марказий ҳамда периферик нерв тизимига таъсири натижасида юзага келар экан. Кўплаб кенг қамровли клиник манбалар ва «ин виво» ҳамда «ин ветро» шароитларида ўтказилган тажрибалар, сунъий пиретроидларнинг сезиларли даражадаги нейротоксик захарли таъсирга эга эканлигидан далолат беради. Бундай ҳолларда, пиретроидларнинг нейротоксик ҳамда инсектицид фаоллиги молекулаларининг жойлашиш ҳолатига ва охириги рецепторлар билан боғланган ҳолдаги қувватига ҳам боғлиқ бўлади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги, ветеринария, соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий яшаш шароитларида кенг қўламда қўлланилаётган замонавий сунъий пиретроидлар хавфли юқумли ва паразитар касалликларни чақирувчи турли хил зараркунанда – бўғимоёқлиларга қарши курашда самарали препаратлар саналар экан. Улар шу хилдаги таъсирларга эга бўлган хлор- фосфорорганик ва карбамат бирикмалари гуруҳига мансуб пестицидлардан ўзининг барча экологик жихатдан ижобий кўрсаткичларининг юқори эканлиги билан ажралиб туради. Аммо, улар ҳам биологик фаол воситалар бўлганлиги сабабли, атроф-муҳитга ва унда яшовчиларга, сезиларли даражада хавф туғдиради. Сунъий пиретроидлар қай даражада хавфли эканлигини, улар таркибидаги политроп захарловчи таъсир механизмининг мавжуд эканлиги билан қайд этиш мумкин. Бундай хусусиятга эга бўлган пестицидлар билан захарланган инсон ва ҳайвонлар организмини даволашни маълум бир даражада мураккаблаштиради. Шу туфайли ҳам, пиретроидларнинг захарловчи хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш билан биргаликда, уларни сақлаш, ташиш ва қўллашда белгиланган тартибдаги қоидаларга қатъий риоя қилиш, ҳамда мазкур препаратлардан ветеринария назоратдаги масканларни ва атроф-муҳитни ифлосланишига йўл қўймаслик талаб этилади.

### **3. Хусусий текширишлар.**

#### **3.1 «Нео-стомозан» препаратининг ўткир захарловчи асосий миқдор кўрсаткичлари**

Ўзбекистон ветеринария амалиётида кенг қўлланилаётган замонавий пиретроидларнинг захарловчи ва хавфлилик даражалари баҳоланганда, нео-стомозан (Венгрия) пиретроидли препаратининг токсикологияси тадқиқотларига бағишланган номзодлик диссертациямиздаги айрим маълумотларни келтириб ўтишимиз ўринлидир. Таъкидлаш жоизки, ушбу пиретроиднинг айнан ўзига ўхшаш – «Нитифор» препаратидан, тиббиёт амалиётида педикулез касаллигига қарши курашда юқори таъсир хусусиятига эга бўлган восита сифатида самарали фойдаланиб келинмоқда.

#### **3.2 Тадқиқот материаллари ва услублари**

Нео-стомозаннинг ўткир захарловчи миқдор кўрсаткичларини аниқлашда вазни 2-2,4 кг ли 5-6 ойлик 20 та шиншила қуёнларига, 1 кг тирик вазнига нисбатан мг/кг миқдорида, (а.т.э.м) бир марталик оғиз орқали ичга юборилиб ўрганилди. Нео-стомозаннинг захарлилик даражаси Л.И Медведь ва бошқалар (1974) таснифи бўйича аниқланди.

#### **3.3 Тадқиқот натижалари ва уларнинг тахлили**

Ўтказилган тадқиқотлардан юқорида кўрсатилган пиретроиднинг захарловчи, қуйидаги асосий миқдор кўрсаткичлари аниқланди: қуёнларда  $\text{ЎД}_0=3000$ ,  $\text{ЎД}_{16}=4800$ ,  $\text{ЎД}_{84}=9300$ ,  $\text{ЎД}_{100}=12500$  ва  $\text{ЎД}_{50}=7000$  (4980:9020) мг/кг (а.т.э.м). Қуйидаги миқдор кўрсаткичларидан нео-стомозан препарати қуёнлар учун кам захарловчи таъсир хусусиятига эга бўлган пестицидлар гуруҳига мансуб эканлигини кўрсатди.

Шунингдек нео-стомозаннинг қоракўл қўйлари учун энг юқори, қабул қилиш мумкин бўлган миқдори – 1000 мг/кгни, шунга нисбатан ўртача ўлдирувчи миқдори ( $\text{ЎД}_{50}$ ) эса – 3000 мг/кгни ташкил этади. Юқорида

келтирилган маълумотлар таҳлилидан, кавш қайтарувчи хайвонлар сунъий пиретроидларнинг захарловчи таъсирига бир бўлмали ошқозонли хайвонларга нисбатан сезувчанлиги сезиларли даражада юқори бўлишини қонуний эканлигини тасдиқлайди.

Нео-стомозан билан ўлдирмайдиган миқдорлари билан ўткир захарланган тажрибадаги қуёнлар периферик қонидаги Т – ҳамда В-хужайраларда ҳамда нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигида динамик ўзгаришлар бўлганлиги кузатилди. Бунда Т-лимфоцитларнинг нисбий ва мутлоқ миқдор кўрсаткичлари мувофиқ равишда 18 ва 42% га ( $P < 0,05$ ) пасайиши ва бир вақтнинг ўзида В-лимфоцитларнинг нисбий ва мутлоқ миқдор кўрсаткичларининг 2,2 ва 1,7 мартага ( $P < 0,05$ ) ошганлиги аниқланди. Кузатиш даврида нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигининг энг юқори пасайиши ўзининг дастлабки кўрсаткичларига нисбатан 49% ни ( $P < 0,05$ ) ташкил этди. Тажрибалар бошланганидан уч ҳафта ўтгандан сўнг фақатгина В-хужайралар сони нисбий миқдоридан ташқари, қайд этилган барча иммунологик кўрсаткичлар ўзининг бошланғич даражасидан фарқланмади. В-лимфоцитларнинг нисбий миқдори бу давр мобайнида дастлабки ҳолатидан 1,7 мартага ( $P < 0,05$ ) ошди (1-жадвал).

Нео-стомозан билан ўткир заҳарланган қуёнлар қонининг морфо - биокимёвий кўрсаткичлари;  
ЎД<sub>16</sub> – 4800 мг\кг (X<sup>+</sup>- S<sub>x</sub>) .

Қон кўрсаткичлари	Бошланғич даражаси	Заҳарлангандан кейинги кузатиш вақти, кун:			
		3	7	14	21
Эритроцитлар, 10 <sup>12</sup> /л	4,96±0,16 100	3,93±0,18 * 79	3,38±0,13 * 68	5,05±0,26 102	3,81±0,07 * 77
Лейкоцитлар, 10 <sup>9</sup> /л	8,63±0,18 100	8,16±1,17 94	7,41±0,39 * 85	8,16±1,01 94	7,52±0,21 * 87
Гемоглобин, %	163,6±4,8 100	145,4±3,8 * 89	140,6±3,9 * 86	159,5±8,0 97	160,0±3,8 98
Метгемоглобин,%	15,1±1,4 100	10,8±1,6 72	11,8±0,6 78	6,3±1,0 * 42	8,5±1,4 * 56
Глютатион (умумий), мг	45,6±0,1 100	43,8±0,1 * 96	44,2±0,1 * 97	44,3±0,1 * 97	41,7±0,4 * 91
Қайта тикланган глютатион, мг	41,5±0,2 100	36,4±0,1 * 88	37,1±0,2 * 89	34,2±0,1 * 82	35,5±0,4 * 86
Холинэстераза фаоллигига қарши	1,96±0,08 100	1,25±0,08 64	1,68±0,08 * 86	1,84±0,04 94	1,48±0,14 76
Ҳайвонлар бош сони	7	7	7	6	4

Нео-стомозан билан ЎД<sub>16</sub> (4800 мг/кг т.э.м) дозасида ўткир захарланган

## қуёнлар қонининг иммунологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Статистик кўрсаткичлар	Бошланғич даражаси	Захарлангандан кейинги тадқиқот кунлари:			
			3	7	14	21
Т-лимфоцитлар (нис,%)	M±m	50,7±1,1	37,4±1,9 *	41,4±2,3 *	39,0±1,9 *	48,7±1,1
	%	100	74	82	77	96
Т-лимфоцитлар (мутл, 10 <sup>9</sup> /л)	M±m	2,46±0,12	1,97±0,35	1,94±0,09 *	1,42±0,02 *	1,99±0,27
	%	100	80	79	58	81
В-лимфоцитлар (нис, %)	M±m	21,8±1,2	26,6±1,6 *	33,4±1,3 *	49,0±3,4 *	37,0±2,4 *
	%	100	153	225	170	
В-лимфоцитлар (мутл, 10 <sup>9</sup> /л)	M±m	1,07±0,08	1,40±0,24	1,58±0,10 *	1,80±0,18 *	1,49±0,18
	%	100	131	148	168	139
НСТ-тест (%)	M±m	7,7±0,6	6,6±0,5	3,9±0,4 *	6,0±0,4 *	6,5±0,6
	%	100	86	51	78	84
Ҳайвонлар бош сони	П	7	7	7	6	4

Олинган натижалардан аён бўлишича, сунъий пиретроид нео-стомозан ўткир тажрибалар шароитларида қуёнлар организмларидаги ўзига хос бўлмаган химоя ҳолатларини сезиларли даражада ҳолсизланишига олиб келди (нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги пасайган). Ушбу пиретроидлар, шунингдек, Т-хужайралар иммунитетини ҳолсизлантириб, бир вақтнинг ўзида В-тизимдаги ўзига хос фаолликни кучайтирди. Иммуно ҳолатидаги бундай мувозанатнинг бузилиши Т-тури бўйича иммуно танқислигини юзага келиши сифатида қаралади (Каценович Л.А., Рузибакиева Р.М., Федорина Л.А., Вахидов А.Я).

Шундай қилиб пиретроидли препарат нео - стомозанга умумий баҳо берадиган бўлсак, нео-стомозанни ҳайвонлар ва паррандалар организми учун жиддий хавф туғдириши мумкин эканлигидан дарак беради. Бироқ, сунъий пиретроидлар таъсирида захарланишларнинг келиб чиқиши ва улар таъсиридаги қутилмаган салбий асоратлари, қачонки уларни агросаноат ишлаб чиқаришида, ветеринария амалиётида ва чорвачиликда қўллашда белгиланган тартиб қоидаларига амал қилмаслик натижасида ҳамда уларни сақлаш, ташишдаги эҳтиётсизликлар оқибатида юз беради.

Сунъий пиретроидларнинг политропли таъсири шубҳасиз, улар билан захарланган ҳайвонларни даволаш самарадорлигини ҳам пасайтиришга сабаб бўлиб, ушбу касалликни даволаш учун махсус (антидот) воситаларни излаб топишда қийинчиликлар туғдиради.

### **3.4 Перетроидлардан ҳайвонлар захарланишларига диагноз қўйиш, даволаш ва олдини олиш чоралари**

Кейинги йилларда ўсимликларни ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларини турли зараркунандалари ва касалликлардан химоя қилиш учун синтетик пиретроидлар гуруҳига кирувчи пестицидлар кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида қўллаш учун рухсат этилган замонавий пестицидларнинг 80 фоиздан кўпроғини синтетик пиретроидлар ташкил қилади. Бу гуруҳ пестицидлар захарли хашаротларга кучли таъсир қилиш,

иссик конли ҳайвонлар учун паст захарли булиб, ташқи муҳит таъсирида тез парчаланиш хусусиятига эгадирлар. Ҳозирги вақтда Республикамиз дехкончилигида ва ветеринария амалиётида циперметрин, цирокс, суми-альфа ва бошқа пиретроидлар кенг қўлланилмоқда.

Бу пиретроидларнинг кўпчилиги Республикамизнинг кимё саноати корхоналарида ҳам ишлаб чиқарилади.

Пиретроидларни дехкончилик ва чорвачиликда хавфсиз қўллаш, захарланишларга ташхис қўйиш, захарланишларни даволаш ва олдини олишнинг самарадор чора-тадбирларини ишлаб чиқишни талаб килади.

**Захарланишларга ташхис қўйиш.** Аввало пестицидларни қўлланганлиги тўғрисида маълумотлар йиғилади. Захарланган ҳайвонларнинг клиник, гематологик, биохимик ва патологоанатомик кўрсаткичлари ўрганилади.

Захарланиб ҳалок бўлган ҳайвон ва паррандаларнинг гўшти ва паренхиматоз аъзоларида препаратларнинг миқдори аниқланади. Шу йўл билан ҳайвонларнинг бошқа пестицидлар (фосфорорганик бирикмалар ва карбамат препаратлари) билан захарланган ёки захарланмаганлиги аниқланади.

Дифференциал ташхис қўйишда қонда ацетилзолинэстераза ферменти фаоллигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Пиретроидлар билан захарланганда ҳайвонлар қонида бу ферментнинг фаоллиги фақатгина 35-40 фоизга пасаяди. Карбомад ва фосфорорганик бирикмалар билан захарланганда эса ацетилхолинэстероз ферментининг фаоллиги 60-80 га ва ундан кўпроқ фоизга пасаяди.

Яқунловчи ташхис захарланган ҳайвон ва паррандаларнинг гўшти ва паренхиматоз аъзоларида пиретроидлар миқдорини юпқа қаватли зроматография ва суюқ газли хроматография усуллари билан аниқлаш натижалари асосида қўйилади.

**Захарланган ҳайвонларни даволаш усуллари ва фармакологик воситалар.** Пиретроидларнинг организмга мураккаб таъсир механизми

захарланган ҳайвонларни даволаш учун андидот препаратларини излашни жуда қийинлаштиради.

